
"Тоғлиқ" маҳалласининг 3,6 километр масофадаги ички кўчалари асфальтлаштирилмоқда

Айни кунларда Марғилон шаҳридаги маҳалла фуқаролар йиғинларида ички кўчаларни асфальтлаштириш, ичимлик сув қудуғи қазилар, электр таъминотини яхшилаш, ижтимоий соҳа объектларида қурилиш ва таъмирлаш ишлари амалга оширилмоқда.

Ана шундай ижобий ишлардан бири шаҳардаги 2-сектор ҳудудидаги "Тоғлиқ" маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудида олиб борилаёпти.

Хусусан ҳудуддаги "Хиёбон", "Серқуёш" "Ипак йўли", "Халқлар дўстлиги" ҳамда "Сой бўйи" кўчаларининг 3,6 км масофадаги таъмирталаб ҳолатга келиб қолган қисми асфальтлаштирилмоқда.

Шунингдек ҳудуддаги 2 километр масофадаги ички кўчаларга канализация тармоғи тортилмоқда.

2023-07-11 17:32:06